УШБУ СОНДА:

ЕРДА ҚОЛМАГАН ҲАҚ



2

БИР УЙ МОЖАРОСИ

3

ЗАРУРИЙ МУДОФАА ИНСТИТУТИ

БЕШАФҚАТ НАФС

ЁХУД ХХ АСР ЎҒРИБОШИСИНИНГ ҚЎЛГА ОЛИНИШИ

4

**MEZON:**

**Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.**

**Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.**

**Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.**

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ, 2-МОДДА.


*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 43 (399)
2004 йил 9 ноябр сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда


## САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ



***Ўтаётган йилимиз, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим тарихий аҳамиятга молик йиллардан бирига айланади. Зеро, бўлажак демократик сайловларда мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий дунёқараши, фаоллиги халқаро миқёсда намойиш этилади.***

Сайловлар жараёнида юртдошларимизнинг хилма-хил фикрлари, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари намоён бўлади. **"Бу сайловлар,** — дея таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов, — **мамлакатимиз мустақиллиги даврида демократия бобида орттирган тажрибаларимизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб бораётганини, аҳолимизнинг сиёсий савияси нечоғли юксалганини бутун дунёга яна бир бор кўрсатадиган имконият ва синов бўлади".**

Таъкидлаш лозимки, сайловлар тўғрисидаги қонунни такомилига етказиш жараёнида халқаро ҳуқуқларда акс этган барча демократик тамойиллар ва энг муҳим меъёрлар сақлаб қолинган. Хусусан, яширин овоз бериш йўли билан тенг, умумий ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, сайловда хоҳиш-иродани эркин билдириш, сайлов ҳудуди, бир мандатли сайлов округлари, яъни можаритар тизим бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилишини кафолатлайдиган меъёрлар, палаталар ваколатларининг бир хил муддатини (беш йил) белгилайдиган қоидалардир.

Шу ўринда мамлакатимиздаги мавжуд можаритар сайлов тизимининг хусусиятлари ва афзалликларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Можаритар сайлов тизимида мамлакатнинг жами сайловчилари сайлов округларига деярли тенг миқдорда тақсимланган бўлиб, ҳар бир округдан бир депутат сайланади. Бундай тизимнинг уч тури мавжуд:

— нисбий кўпчиликка асосланган тизим;

— мутлақ кўпчиликка асосланган тизим;

— малакали кўпчиликка асосланган тизим.

Нисбий кўпчиликка асосланган можаритар тизимга кўра, сайлов ўтказилган округда овоз бериш натижасида рақибига нисбатан кўпроқ овоз олишга муваффақ бўлган номзод сайланган, деб ҳисобланади. Мутлақ кўпчиликка асосланган можаритар тизимида сайланиш учун сайловчиларнинг оддий — кўпчилик овозини олиш кифоя қилмайди, балки мутлақ (50+1 овоз) кўпчилик овозини тўплаш лозим бўлади. Малакали кўпчиликка асосланган можаритар тизимда сайланиш учун зарур бўлган овозларнинг миқдорига талаб жуда юқори (масалан, овозларнинг учдан икки қисми миқдорида) бўлади. Амалиётда сайловларнинг биринчи туридаёқ овозларни бундай миқдорда олишнинг деярли иложи йўқ. Шу сабаб демократик мамлакатларда бу тизим аксарият ҳолларда қўлланилмайди.

Мамлакатимизда нисбий кўпчиликка ва мутлақ кўпчиликка асосланган можаритар тизимга амал қилинади. Ҳар икки тизим **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**ги амалдаги қонуннинг 44-моддасининг учинчи ва 45-моддасининг иккинчи қисмида белгилаб қўйилган.

Сайлов кунига қадар 25 ёшга тўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш йил доимий яшаган, жинси, миллати, диний эътиқоди ва бандлик машғулотидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Олий Мажлис депутатлигига сайланиши мумкинлиги шулар жумласидандир.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддатини ўтаётган фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмас.

Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга. Фуқаролар жинси, ирқи ва миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз қонунчилигида шаклантирилган ва амал қилаётган мустаҳкам ҳуқуқий база, хусусан, бош қомусимиз бўлган Конституция ва унга мос тарзда қабул қилинган қонунларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари мукаммал тарзда ўз ифодасини топган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 117-моддасида шундай қайд этилган: **"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасни билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади".**

Бу қоиданинг Асосий қонунимизда мустаҳкамланиши айнан демократик жамият талабларига ҳамоҳанг. Ўз навбатида, ушбу меъёр Конституциянинг 32-моддасида белгилангани каби фуқароларимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқариш ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқининг кафолати ҳамдир.

Ҳозирда 70 дан ортиқ давлатда, жумладан, жаҳоннинг барча йирик мамлакатларида икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Франция, Швейцария ва Япония каби ривожланган мамлакатларнинг икки палатали парламентлари бой тарихий тажрибага эгадир.

Эътиборли жиҳати шундаки, икки палатали парламент тизими ижроия ҳокимияти билан қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги ортиқча тортишувларнинг олдини олади ҳамда парламент ва ҳукумат ваколатларининг аралашиб кетишига йўл қўймайди. Умуман, икки палатали парламент тизимига ўтиш давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ўзига хос муҳим аҳамият касб этиши билан демократия тантанасини сайловларда намоён этади.

**Холмирза МАТКАРИМОВ**

### ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ХАБАРЛАРИ

*Президентимиз Ислом Каримов рус маданият маркази ташкил этилганлигининг ўн йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табрик йўллади.*

* * *

*"2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши эълон қилинди.*

* * *

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида Республика Олий аттестация комиссияси ва Миллий кутубхона томонидан яратилган илмий-маърифий электрон ахборот ресурсларининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

* * *

*Ёсир Арофат даволанаётган Париж касалхонаси вакиллари унинг ўлими ҳақида тарқалган миш-мишларни рад этди.*

*Сўнгги икки кун давомида соғлиғи янада оғирлашганлиги туфайли 75 ёшли Ёсир Арофат шифохонанинг интенсив терапия бўлимига ўтказилди.*

* * *

*Президент Жорж Буш Вашингтонда ўз тарафдорлари билан учрашувда президентлик сайловларида ғолиб чиққанини эълон қилди.*

*Буш рақиби Жон Керри ўз мағлубиятини тан олганини маълум қилар экан:*

*— Янги президентлик муддати — бутун миллатга мурожаат қила олиш имконияти дегани. Бизнинг конституциямиз ва келажагимиз битта. Агарда биз бирлашиб ишласак, Америка мамлакатининг улуғворлиги чегара билмайди, — деди.*

* * *

*Испания полицияси "Сантьяго Бернабеу" стадионида экстремистик гуруҳлар томонидан уюштирилган террорчилик актини бартараф этди. Бу ёвузликни "Реал"нинг ўз майдонидаги учрашув чоғида амалга ошириш режалаштирилган эди.*

* * *

*Ғазо сектори ёки Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги яҳудий аҳоли пунктларини тарк этган ҳар бир оила 500 минг долларгача товон пули олади. Аҳоли пунктларини тарк этишга куч билан қаршилик кўрсатганлар эса беш йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилади.*

*Бу мазмундаги қонун лойиҳаси Кнессет (Исроил парламенти) тарафидан биринчи ўқишда маъқулланди. Кузатувчиларнинг фикрича, бунга мамлакат бош вазири Ариэль Шарон фақат сўл марказчилар мадади билан эришишга муваффақ бўлди.*

* * *

*Маълумки, Гарри Каспаров 29 октябр куни ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжиновга мурожаат қилиб, 31 октябрга қадар Дубайда жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов билан ўтказиладиган учрашувга молиявий жиҳатдан кафолат бермаса, бундай ўйиндан воз кечиши мумкинлигини билдирган эди. ФИДЕ президенти Г.Каспаров талабини қондириб, учрашув банк кафолати билан молиявий жиҳатдан таъминланишига рози эканлигини айтди.*

Huquqiy ma`rifat

## ЖАЗОЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

### ИҚТИСОДИЁТГА ДОИР ЖИНОЯТЛАРДА НИМАЛАРНИ ИСТИСНО ЭТАДИ?

***Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва давлат қурилиши соҳасидаги ютуқлар, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ўсиб бораётгани ҳуқуқий демократик давлат асосларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексига киритилган янгиликлар ҳам шундан далолатдир.***

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга тааллуқли ўзгартиришлар ҳам бундай жиноятлар учун жазо тайинлашда янгича ёндашувни белгилаб бермоқда. 2001 йил 29 августда қабул қилинган **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун жамият манфаатлари йўлида самарали хизмат қилиб келмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олинган давлат учун ғоятда зарур бўлган бу ҳужжат адолат ва инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришга асосланади.

Қонунда жиноий қилмишларни таснифлаш мезонлари ўзгартирилиши ва ярашув институтининг киритилиши натижасида умумий судланганлар сонининг пасайиши кузатилмоқда.

Шуни айтиш керакки, жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунга кўра, иқтисодиётга оид жиноятлар туркумига кирувчи 8 турдаги жиноятни (ЖКнинг 167, 168, 170, 173, 175, 180, 181, 184-моддалари) содир этган шахсларга нисбатан, улар томонидан моддий зарар қонунда белгиланган миқдорда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилиши истисно этилади. Қонун амалга киритилгандан буён жиноят натижасида етказилган 8 миллиард 658 миллион 174 минг 413 сўмлик моддий зарарни қоплаган 4204 нафар шахсга нисбатан судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди ва минг нафардан ортиқ киши бевосита суд залидан озод этилди. Айни пайтда, етказилган зарарни ўз вақтида ундириш йўли билан жиноят оқибатида жабр кўрганларнинг ҳуқуқлари таъминланган.

Албатта, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга оид ишлар ўзининг кўп қирралилиги, кўлами, мураккаблиги ва долзарблиги билан доимо ажралиб туради. Шу боис судларнинг ушбу тоифадаги жиноят ишларини кўриш амалиёти Олий суд томонидан вақт-вақти билан умумлаштириб борилади.

Олий суд Пленуми қарорларида ҳам иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини ҳал этишда юзага келган муаммолар ечимига доир тушунтиришлар берилган ва улар суд амалиётида қўлланилиб келинмоқда. Бироқ либераллаштириш тўғрисидаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишини ўрганиш чоғида амалиётда баъзи бир янги муаммолар аниқланаётгани ва уларни бартараф этиш зарурати туғилаётгани ушбу масалага янада эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Ушбу соҳада содир этилган жиноятлар билан боғлиқ ишларни кўриш пайтида қонунни қўллаш, жумладан, жиноятларни таснифлаш, жазо тайинлаш ҳамда зарарни ундириш масалаларида хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани маълум бўлмоқда.

**(Давоми учинчи бетда)**

Shu songa maktub

## ЁРУҒ КУНЛАР ҚАДРИ

***Ҳурматли таҳририят аъзолари!***

***Бу мактубни сизларга кимнингдир ундови билан эмас, балки азбаройи хурсандлигимдан, ўтаётган кунларимдан миннатдорлигимдан йўлламоқдаман.***

***Аввало ўзим ҳақимда икки оғиз сўз. Ёшим элликдан ошди. Худога шукр, оилалиман, набираларим бор. Туриш-турмушим, яшаш шароитимдан нолимайман. Ҳозирги кунда фермер хўжалигининг раҳбариман. Имкониятим даражасида ҳаётимиз фаровон бўлишига ўз ҳиссамни қўшиб келаяпман.***

Хўш, шўро замонида ишламаганмидим? Ишлагандим. Меҳнат қилганда ҳам, эҳ-е, кунни тунга улаб меҳнат қилганман. Касбим ҳайдовчи эди. Шу боис собиқ колхозда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини омборларга етказиб бериш билан куним ўтган. Гоҳида шундай бўлардики, маҳсулотни заводга топшириш учун икки-уч кунлаб корхона эшиги тагида қолиб кетардик... Оладиган ойлик маошимиз эса 60-70 сўмдан ошмасди. Буни ҳам йил охирига бориб олардик. Хуллас, собиқ шўролар даврида бировимиз икки бўлмаган.

Энди-чи, энди. Ҳаммаси тубдан ўзгарди. Мустақиллик шабадалари эса бошлагандан буён бировимиз икки, иккимиз тўрт бўлди. Ўзимнинг ҳаётимдан мисол қилиб айтадиган бўлсам, ўтган ўн уч йил давомида шунчалик кўп ютуқларга эришдимки, умрим давомида бунақаси бўлмаган. Ҳозирги кунда аввалбошда айтганимдек, фермер хўжалиги раҳбариман. Қарамоғимда 2,6 гектар ерим бор. Шундан 0,50 сотихига иссиқхона курганман. Асосан бу ерда қишин-ёзин помидор ва бодринг, маълум қисмида эса гул парваришлайман. Маҳсулот етиштиришда менга асосан ўғил-қизларим билан бирга ака-укаларимнинг фарзандлари ёрдам беришади. Ишни тўғри ташкил қилиш, қишлоқ хўжалигида фан ва техника янгиликларидан кенг фойдаланиш, қолаверса, кўп йиллик тажрибаларимиз туфайли тобора мўл-ҳосил етиштириб бормоқдамиз. Шу боис ҳам далада меҳнат қилаётган ҳар бир аъзомизнинг турмуш шароити йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Аниқроқ айтганда, меҳнат қилаётган одам кам бўлаётгани йўқ.

Кўпинча тенгдошларим, ҳамкасбларим билан тортишиб қоламиз. Баъзи бир меҳнатни хуш кўрмайдиганлари, озодлик деган эзгу сўзнинг қадрига етмайдиганлар шундай деб қолишади:

— Хўш, шунча елиб-югуриб нимага эришдинг?

Жавоб беришга шошилмайман. Балки ўз кўзи билан кўрсин деб уйимга таклиф қиламан. Рости, бир чеккаси мақтангим ҳам келади. Хўш, нега мақтанмай, киши ҳавас қилса, арзийдиган енгил машинам, тракторим, юк машинам бор... Бунинг устига шахсий чойхонам, новвойхонам, тикув цехим, сартарошхонам... мавжуд.

Энди ўзингиз бир тасаввур қилинг: шўро замонида бир киши шунча хусусий мулкка эга бўлардими?!

Йўқ, албатта. Агар бир кишининг шунча мулки бўлса, у шубҳасиз, жиноятчи саналарди. Бунга кечаги ҳаётимиздан жуда кўп мисол келтириш мумкин.

Бугун эса, хусусий мулк — дахлсиз, қонун билан кафолатланган. Энг асосийси, бой бўламан, хусусий мулк орттираман деган кишига барча шарт-шароит, имконият муҳайё этилган.

Буларни ҳаммаси мустақиллик, мамлакатимизда олиб борилаётган эркинлик сиёсати шарофатидан. Мен бугун кўкрагимни баланд тутиб айтишим мумкин: мустақиллик менга битмас-туганмас ҳурлик, меҳнатга яраша ҳузур-ҳаловат кўриш имкониятини берди. Фақат менга эмас, менга ўхшаган минг-минглаб деҳқонлар ана шундай имкониятга эга бўлишди. Шундай экан, ана шу ёруғ кунлар қадрига етишимиз, озодликни, мустақилликни асраб-авайлашимиз, уни янада мустаҳкамлашимиз ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини унутмайлик.

**Зоҳиджон АЗИМОВ,**
**Тошкент туманидаги "Толиб ота" фермер хўжалиги раҳбари**

## БАНК ВА МИЖОЗ

### МУАММО ҚАЧОН ЕЧИМИНИ ТОПАДИ?

***Банклар ичида тадбиркорларга энг кўп қайишадигани ва энг яқини қайси, деган саволга аксарият мижозлар ҳеч иккиланмай "Тадбиркорбанк" дея жавоб беради. Мазкур банкнинг исм-жисмига монанд фаолият кўрсатишига улар астойдил ишонишади. Акс ҳолда улар мижоз сифатида бу банкни танлашмасди. Бундан ташқари, фактлар ҳам шундан далолат беради.***

***Ҳолбуки, мазкур банкнинг бевосита кўмаги билан юзлаб тадбиркор, фермер хўжаликлари ўз фаолиятини йўлга қўйиб олгани ҳам бор гап.***

***Бироқ банк фаолиятида айрим нуқсон ва камчиликлар ҳам мавжудки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Энг ёмони, бир марта ўтказилган текширишда аниқланган камчиликлар иккинчи текширишгача барҳам топиш ўрнига "болалаб" кетса, ундан ким ҳам кўз юма оларди?!***

Гап шундаки, "Тадбиркорбанк"нинг Боғот тумани бўлимида ана шу ҳолат рўй берди.

2003 йили вилоятда тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда шу соҳани ривожлантиришга доир қонун ҳужжатларига амал қилиш борасидаги ишларни атрофлича ўрганиш давомида Адлия вазирлиги назорат гуруҳи мазкур банк фаолиятида талай хато ва қусурлар юзага келганини аниқлаб, уларни зудлик билан бартараф этишга қаратилган ўз хулосаларини банк раҳбариятига тақдим этган эди. Ўшанда тадбиркорларга қарашли пул маблағларини уларнинг розилигисиз ва етарли ҳужжатларсиз айрим идора-ташкилотларга инъом қилиш, мижозларнинг тўлов топшириқномаларини белгиланган муддатларда бажармаслик ҳоллари қайд этилганини эслатиб ўтиш жоиз. Айнан шундай режали текшириш бу йил ҳам ўтказилди ва камчилик ҳамда нуқсонлар барҳам топмагани, аксинча, кўпайгани аниқланди. Энг ёмони, тадбиркорларнинг ҳалол пул маблағларини ўзбошимчалик билан ўзгалар илкига тутқазиб юбориш баттар авж олган. Шунингдек, тадбиркорларга маблағларини сўраган муддатда бермаслик ҳоллари ҳам газак олган. Шу ўринда мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, тўлов топшириқномасини белгиланган муддатда бажармаслик ҳолати ўтган галги текширув чоғида атиги бир марта қайд этилган эди. Бу галги ўрганиш эса тадбиркорлар сўровини ижрога қайтармаслик ҳолати нақ 202 марта рўй берганини кўрсатди. Етарли асосларсиз ўз маблағидан маҳрум этилган тадбиркорлар ҳам оз эмас. Чунончи, "Раҳимбой" фермер хўжалигининг 619,3 минг сўм, "Мевазор" фермер хўжалигининг 250 минг сўм маблағи "Қишлоқхўжаликкимё"нинг туман шаҳобчасига, айнан шу хўжаликнинг

Ajab savdolar

136,4 минг сўм пули "Хазорасп-нефть" унитар корхонасига, "Яраш-Йўлдош" фермер хўжалигининг 84,8 минг сўм пули "Халқ банки"нинг туман бўлимига, "Фарҳод Жаббор" хусусий фирмасининг 500 минг сўм пули "Хонқа-шароб савдо" корхонасига тўлов топшириқномаларисиз ўтказиб юборилганлигини қандай баҳолаш керак?

Ноқонуний "операция" соҳасидаги фаолиятини бир текширишдан иккинчи текширишгача ўтган бир йил мобайнида роса "бойитган"лар сафида "Тадбиркорбанк"нинг Шовот, Хива ва Урганч туман бўлимлари ҳам бор. Банкнинг Шовот тумани бўлимида Матюсуф Матназаров номидаги фермер хўжалигининг 10 минг сўм маблағи туман статистика бўлимига ҳужжатлар етарли бўлмаса-да, ўтказиб юборилганини афсуски, тасодиф ёки беихтиёр йўл қўйилган хато, деб бўлмайди. Нега деганда, ўрганиш тадбири асосида шу сингари қусурлар яна 13 та ҳолатда аниқланди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Дунёдаги ҳар бир ривожланган мамлакатда фуқаролар орттирган даромадларидан солиқ тўлашни ўзларининг бурчи деб билади. Чунки бу тўлов ҳам мамлакатнинг тараққиёти, ободончилигига хизмат қилади.*

*Мамлакатимизда ҳам солиқ тўловларининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Бироқ ҳаётда солиқ тўлашдан атай бўйин товлайдиган ёки зиммасидаги "бурч"ни унутиб қўядиган кишилар ҳам йўқ эмас.*

# СОЛИҚДАН ҚОЧИБ, СУДГА ТУШДИ

"Сарвиноз" масъулияти чекланган жамияти Тахиатош шаҳар ҳокимининг 2000 йил 14 сентябрдаги 351/9-сонли қарори билан рўйхатга олинган. Шу асосда у 2002 йилда Тахиатош шаҳар Давлат солиқ инспекциясида 200366445-сонли "СТИР" рақами билан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган ва масъулияти чекланган жамият аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланган.

Иш шу зайлда кетаверганда эди, ушбу сатрларни қоралаб ўтиришга ҳожат қолмасди. Афсуски, "Сарвиноз" жамияти бошлиғи ўз иш фаолияти давомида қонун-қоида белгилаб берган йўлни бироз унутиб қўйди. Масалан, корхона томонидан 2002 йилда 4.149.400 сўмлик иш бажарилган бўлса-да, Роза Бозорбоева бу даромаднинг 598.800 сўмини қасддан яшириб келади. Фойда солиғи ва бошқа хил солиқ турларидан 356.100 сўм, йўл жамғармасидан 17.200 сўм, нафақа жамғармасидан 6.800 сўм, жами 380.100 сўм ҳажмидаги солиқ ва мажбурий тўловлар амалга оширилмади.

Бундай кўзбўямачилик 2003 йилда ҳам давом этди. Йил мобайнида 6.135.000 сўмлик иш амалга оширилганига қарамасдан, 1.385.100 сўмлик даромад кўр-кўрона яшириб қолинди. Олдинги йилдаги каби фойда солиғидан 277.000 сўм, йўл жамғармасидан 7.300 сўм, нафақа жамғармасидан 31.000 сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар қонун йўли билан ўз тасдиғини топмади.

Надоматлар бўлсинки, Роза Бозорбоева бу қинғирликлар билан чекланмади. Ўрганган одат ўртанса қўймас деганларидек, 2004 йилда ҳам қонун талабларига эътиборсизлик билан қаралди. Шу йўсинда жамият раҳбари бу йилда ҳам солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келди ва шундай қилиб, уч йил давомида давлат бюджетига 782.900 сўм миқдорида зарар етказди.

"Сарвиноз" масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари булargина эмас. У масъулияти чекланган жамият бошлиғи сифатида 2002-2004 йилларда ишчиларга шартнома асосида тўланиши лозим бўлган ойлик маошлари ва иш жараёнида сарфланган турли хил харажатлар ҳисобидан 3.966.800 сўм нақд пулни жамият кассасига кирим қилмасдан ва банкка топширмасдан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги **"Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйди.

Қарс икки қўлдан чиқади, дейишади. Бу нақл, одатда, ижобий маънода қўлланилади. Аммо қарангки, унинг салбий ҳолатларга ҳам дахли борга ўхшаб қолади. Негаки, "Сарвиноз" масъулияти чекланган жамиятида юз берган турфа хил қонунбузилиш ҳолатларида корхона бош ҳисобчиси Бақатжамол Имонбоеванинг айби ҳам йўқ эмас. У гарчанд, суд мажлисида ўзи таъкидлаганидек, 21 йиллик ҳисобчилик иш тажрибасига эга бўлса-да, "Сарвиноз" жамиятдаги хизмат фаолиятида бу тажрибадан тўлақонли фойдаланмади. Ишга бўлган масъулият ҳисси ва назоратнинг унутилиши эса юқорида зикр этилган кўнгилсиз оқибатларга олиб келди.

* * *

Қилмиш-қидирмиш деганларидек, Тахиатош шаҳар судида хусусий тадбиркор Олмахон Бойжонованинг ҳам жиноий хатти-ҳаракатлари кўриб чиқилди. Аниқланишича, фуқаро Олмахон Бойжонова 2002 йилнинг 8 февралида Тахиатош шаҳар ҳокими қарори асосида нусха кўчириш ва компьютер хизмати кўрсатиш билан шуғуллана бошлаган. Солиқ тўловчи сифатида Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб, 2002 йилнинг апрелидан 2004 йилнинг февралигача 2.607.677 сўмлик товар айланмасини амалга оширган. Бироқ тадбиркордан бор-йўғи бир марта: 2002 йилнинг 10 июнида шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан нафақа жамғармаси учун 10290 сўм миқдорида инкасса қўйиш йўли билан ажратма ундирилган, холос. Аслида эса, Олмахон Бойжонованинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари миқдори, солиқ идораси ҳисоб-китобларига кўра, 2002 йилда 441.153 сўмни, 2003 йилда 184.980 сўмни, 2004 йилнинг биринчи чорагида 87.040 сўмни ташкил қилмоғи лозим эди.

Боз устига Олмахон Бойжоновага тадбиркорлик рухсатномаси аҳолига ксерокопия ва компьютер хизмати кўрсатиш бўйича берилган. Тадбиркор эса, ҳийла-найранг йўлидан бориб, канцелярия молларининг улгуржи савдоси билан шуғулланиб келган.

Сувга чўкаётган хасга ёпишади. Олмахон Бойжонова ҳам шундай қилди. У тергов жараёнида нусха кўчириш ва компьютер хизматлари учун техника сотиб олмоқчи бўлганини, бироқ мазкур техник воситалар харжига банкдан кредит ола олмаганини важ қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Нима ҳам дердик? Важ-карсон ўз йўлига. Қонун Олмахон Бойжонованинг кўзини очиб қўйди: у 713.173 сўм миқдоридаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга жалб қилинди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин билинибди, деган гап бор. Қинғирликни касб қилган кимсалар ушбу ҳақиқатни англаб етишса, фойдадан холи эмас.

**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Nadomat

Menda taklif bor

## ТРАНСПОРТ СУДЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Бугунги кунимизни транспорт воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, иқтисодиётни юксалтиришда транспортнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда транспорт соҳасини ривожлантириш ва транспорт коммуникацияларини барпо этиш, уларнинг юк ва йўловчи ташиш имкониятини янада ошириш ҳамда самарали фойдаланишини таъминлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Яқинда қабул қилинган Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармони ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Албатта, транспорт ва транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш жараёнида турли низолар ва бошқа муаммолар келиб чиқиши табиий. Бугунги кунда бунга ўхшаш низолар таалluқлилигига кўра, умумий ёки хўжалик судларида кўрилиб, ҳал этилиб келинмоқда. Лекин транспорт ва транспорт коммуникацияларининг жадаллик билан ривожланаётгани, трансмиллий транспорт йўлаклари вужудга келаётгани ва бу тармоқнинг муттасил кенгайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу тоифадаги ишларни кўриб, адолатли ҳал этишда айрим қийинчиликлар вужудга келаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бундан ташқари, Бош прокуратура тизимида транспорт прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги тизимида транспорт милицияси кўп йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Айтмоқчиманки, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, юртимизда транспорт судлари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**У. МИНГБОЕВ,**
**Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси раисининг ўринбосари**

Muloqot

## «МЕНГА УЙ БЕРИЛАДИМИ?..»

Турмуш ўртоғим билан ўртамизда келишмовчилик юзага келгани туфайли оиламиз бузилди. Мен шундан буён тайин турар жойим бўлмаганлиги учун ногирон фарзандим билан қариндошларнинг уйида яшаб келаяпман. Уй масаласида тегишли жойга мурожаат қилай десам, айрим муаммолар тўсқинлик қилаяпти. Гап шундаки, турмуш ўртоғим паспортимни мен бир кун ҳам яшамаган жойга рўйхатга қўйдирган, уй дафтарига исм-шарифим ҳам қайд этилмаган. Ҳеч иложини тополмадим ва туманимиздаги судья Т.Ибрагимовдан турмуш ўртоғимдан энг арзон квартира нархининг 50 фоизини ундириб беришини сўрадим. У бу ҳақда судга алоҳида ариза билан мурожаат этишим зарурлигини тушунтирди. Шундан сўнг мен туман ҳокимлигига ер сўраб ариза ёздим. Улар эса "Турмуш ўртоғингиз билан қонуний ажрашсангиз, онангиз билан муқим яшаб турасиз. Фарзандингиз 18 ёшга тўлгандагина уй қуриш учун сизга ер ажратилиши мумкин", дея жавоб беришди.

Мен уй-жойга эга бўлиш учун қандай йўл тутишим керак? Бу муаммоларнинг қонуний ечими ҳақида тушунтириш беришингизни илтимос қиламан.

**Одинахон ҲОЖИМАТОВА,**
**Андижон вилояти,**
**Избоскан тумани**

**Бу саволга ҳуқуқшунос Саломат Ниёзова шундай жавоб беради.**

— Сиз уй-жойга эга бўлишингиз учун қуйидаги қонуний ҳолатларга эътибор беришингиз лозим. Биринчидан, сиз турмушингиз давомида эрингиз билан яшаб турган уйингизни тенг улушда қурган бўлсангиз, Оила кодексининг 23-моддаси 2-қисмига мувофиқ, **эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар, улар эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.**

Эрингиз сизни ўша уйдан ажрашмасдан туриб чиқариб юборган бўлса, унда сиз туманлараро фуқаролик судига мажбур уйга киритиб қўйишлари учун мурожаат қиласиз. Суд Оила кодексининг 28-моддасига мувофиқ, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда тенг деб ҳисоблайди.

Вояга етмаган ногирон фарзандингиз манфаати борасида ҳам суд Оила кодексининг ушбу моддасига асосан улуш ажратади.

Бундан ташқари, сиз турмуш ўртоғингиз билан ноқонуний ажрашиб, сўнг олдин муқим яшаб турган жойингиз, яъни ота-онангизнинг яшаш жойидан ҳокимликка ер сўраб мурожаат қилишингиз мумкин.

Tahrirsiz maktub

## "ФЕРМЕР БЎЛМОҚЧИ ЭДИМ..."

Марҳум отам Ҳакимполвон Қодиров пахта илмидан чуқур хабардор инсон эди. Мен ҳам отам изидан бориб пахта илмини, ер билан тиллашишни ўргандим. Қишлоқ хўжалиги институтини тугатгач, узоқ вақт илмий изланишлар олиб бордим. Фан номзоди бўлдим. Кейин яхши ниятлар билан отам, яъни Ҳ.Қодиров номидаги хўжалик бошқаруви раисига фермер хўжалиги тузиш учун ер сўраб ариза ёздим. Ниҳоят, аризам ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишда кўриб чиқилиб, уларнинг розилиги олинди. Бироқ қувончим узоққа чўзилмади. Собиқ туман ҳокимининг қаршилиги туфайли ниятим рўёбга чиқмай қолди.

Отам Ҳ.Қодировнинг тўқайзор, заҳкаш, ташландиқ ерларни ўзлаштириб юқори ҳосил олганидан, боғ-роғлар яратганидан фахрланаман-у, аммо ўзим ишсиз юрганлигимдан хижолат чекаман. Айниқса, шу кунларда отам ўзлаштирган ерларнинг қаровсиз қолганидан афсусланаман.

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Фермер хўжалиги ташкил этишим учун амалий ёрдам беришларингизни илтимос қиламан.

**Муҳиддин ҚОДИРОВ,**
**Пискент тумани**

Ajab savdolar

## БАНК ВА МИЖОЗ
### МУАММО ҚАЧОН ЕЧИМИНИ ТОПАДИ?

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Бу каби ноқонуний ҳолатлар 2003 йилги ўрганишлар чоғида ҳам аниқлангани назарда тутилса, банк муассасаси "ёшулли"ларининг камчиликлардан хулоса чиқариш борасидаги "салоҳияти"га тан бермасликнинг иложи йўқ.

Банкнинг Урганч тумани бўлими мутасаддилари эса ўтган давр ичида қонунбузарликларнинг талай янги кўринишларини "кашф" этишибди. "Юқорибоғ оқчашмаси" корхонасидан банк ҳисоб рақамини очиш чоғида энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари ўрнига уч баравари миқдорида хизмат ҳақи ундиришибди. "Жаббали нур" фермер хўжалигига 5 миллион сўм миқдорида кредит бериш ҳақидаги шартнома 2004 йилнинг 30 мартида имзоланса-да, маблағ ажратиш масаласини ўрганиш ўтказилган июл ойи охиригача пайсалга солиб келинган. Пул маблағларини мижозларнинг розилигисиз бошқалар тасарруфига бериб юбориш "пойгаси"да ҳам "фаол" иштирок этишган.

Банклар фаолиятига оид қонунга хилоф иш услубларини муассасанинг Хива бўлими мутасаддилари ҳам «обдон ўзлаштиришибди», фактлар шундан гувоҳлик беради. Яъни мазкур банкнинг айрим мутасаддилари "ҳужжатбозлик" аталмиш "хасталикка" чалинишган. Агар бунинг акси бўлганида, тумандаги 36 та ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектларига банкда ҳисоб рақами очиб бериш учун улардан ноқонуний равишда ташкилот Низоми нусхаси талаб қилиб олинмаган бўларди. Тумандаги "Назар Ботир" фермер хўжалигининг 35 минг сўм миқдордаги ҳалол пулини ноҳалол, яъни қонун ҳужжатларига хилоф тарзда туман "Машина-трактор парки" акциядорлик жамиятининг биринчи талаби биланоқ, унинг ҳисобига ўтказиш ҳолатига ҳам айнан шу банкнинг шу бўлимида дуч келинди.

Банк вилоят бошқармаси қарамоғидаги бошқа муассасаларга ўрнак бўлиш, улар томонидан содир этилаётган қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйиш ўрнига амалдаги тартиб-қоидаларни ўзи ҳам бузаяпти. Жумладан, "Жумабой қассоб" фермер хўжалигининг 135,6 минг сўм пули қонун ҳужжатларига зид ҳолда "Қишлоқхўжаликкимё"нинг Гурлан тумани бўлими жорий ҳисобига ўтказиб юборилгани, бундай ноқонуний ҳолат яна 111 та ҳужжатда қайд этилгани, инкасса топшириқномасини қўйиш ваколатига эга бўлмаган 4 та хўжалик субъектининг талаби ноқонуний бўлса-да, бажарилгани, "Исмоил ўғли Арслон" хусусий фирмасининг 2004 йил 8 июлдаги 95-сонли тўлов топшириқномаси 13 июлгача ижро этилмагани, худди шундай қонунбузарлик яна 5 та ҳолатда юз бергани, "Жайҳун" хусусий фирмаси ва "Бўстон" масъулияти чекланган жамиятидан йиллик бухгалтерия ҳисоботлари ноўрин талаб қилиб олингани, бундай қоидабузарлик яна 27 марта такрорлангани, Яшнарбек Султонов номидаги фермер хўжалигига кредит маблағи ажратиш жараёнида нозарур ҳужжат — кафиллик шартномаси талаб этилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Баъзилар эса буйруқбозлик, сансоларлик, ҳужжатбозлик йўли билан ҳам муайян мақсад ва мавқега етишмоқ мумкин, деб ўйлашади. Бу — хато фикр. Эл-улус беҳуда оворагарчиликларга рўпара этганларни асло хушламайди. Қонун эса уни қаттиқ қоралайди. Тўрачилик дардига чалинганлар бу ҳақда обдон ўйлашса, шоядки, нафи тегмасдан қолмас. "Тадбиркорбанк"нинг мутасаддилари бу хусусда бир ўйлаб кўришса, чакки бўлмасди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Qonun ko`magi

*Деҳқон далага умид билан уруғ қадайди. Ахир, унинг рўзғорини бутлайдиган ер, уруғ ва меҳнат. Бугун пудратчи шартномадагидан ортиқча етиштирилган маҳсулот юз фоиз ўзиники эканлигини яхши билади. Шу сабабли ҳосил мўл бўлиши учун тер тўкиб, астойдил меҳнат қилади.*

# ЕРДА ҚОЛМАГАН ҲАҚ



Бунга Қўшработ туманидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги ширкат хўжалигининг Урганжи қишлоғида яшовчи Абдуқосим Холиқовни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Саккиз йилдирки, А.Холиқов оилавий пудратчи сифатида фаолият кўрсатиб келади. У лалми ер майдонларига ғалла экади.

Маълумки, оилавий пудратчи тартибига кўра, шартномани ширкат хўжалиги бошқаруви билан тузади. Мамлакатимизда пудрат шартномаси бўйича аниқ, томонлар манфаатига мос қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Ундан четга чиқиш, бошқача тарзда талқин этиш мумкин эмас.

Абдуқосим Холиқов ўтган 2003 йилда ширкат хўжалиги бошқаруви билан 77 тонна арпа етиштириб беришга шартнома тузган. Гапнинг бўлгани шуки, пудратчи оила аъзолари билан ишлаб, шартномадаги ҳосилни ширкат хўжалиги омборига топширади. Шунда ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Раҳматулла Раббимов пудратчи А.Холиқовни ҳузурига чақиради. Шартномадагидан ортиқча қолган 15 тонна 900 килограмм арпани ҳам ширкат хўжалиги омборига топшириш кераклигини айтади. "Кейин ҳисоб-китоб қиламиз, ҳақингизни оласиз", дейди.

Р.Раббимов ким, ширкат хўжалигининг раҳбари. Пудратчи А.Холиқов ўзининг қонуний ҳақи бўлган 15 тонна 900 килограмм ғаллани ҳам раҳбарнинг гапига ишониб, ширкат хўжалиги омборига топширади. Шундан сўнг ҳам орадан қанча ойлар ўтади. Бироқ раис айтган ширкат хўжалиги билан пудратчи ўртасидаги ҳисоб-китобдан дарак бўлмайди. Бошқача айтганда, пудратчи йил давомида ишлаб-ишлаб қуруқ қолади. Бу ҳол унга малол ботиши аниқ.

Ширкат хўжалиги идорасига қатнаб, натижа чиқмагач, А.Холиқов Самарқанд вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Пудратчи мурожаати ўрганиб чиқилгач, ширкат хўжалиги А.Холиқовга натура шаклида 15 тонна 900 килограмм арпа ёки маҳсулотнинг бозордаги қиймати — 1 миллион 590 минг сўм тўлаш керак, деган тўхтамга келинди. Шундан сўнг пудратчи манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд даъвони тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Шунингдек, А.Холиқовга етказилган 20 минг сўм маънавий зарар ҳам ундирилди.

Ҳа, пудратчи умиди пучга чиқмади. Қонуний йўл билан у ўз ҳақига эга бўлди.

Фақат ана шундай ноқонунийликка йўл қўйганларнинг юзи шувут бўлгани қолди.

**Абдуваҳоб ОРИПОВ,**
**Ҳусан ДАВРОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Iftixor

## САМАРАНИНГ СИРИ МЕҲНАТДА

Донишманд халқимиз бежизга интилганга толе ёр дейишмаган. Кимки ўз имкониятларини ишга солиб изланса, интилса, шубҳасиз кўзлаган мақсадига етади.

Юртимиз мустақилликка эришгач, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди ва табиийки, тадбиркорликка даъвогарлар сони ортди. Аммо омад барчага кулиб боқавермайди, ҳамма ҳам бозор иқтисодининг мушкул синовларига бардош беролмайди. Лекин нарпайлик тадбиркор йигит Суннатилла Орзиқулов омади чопганлардан десак, адашмаймиз. Чунки у бошқараётган корхонанинг довруғи нафақат Самарқандда, балки республикамизнинг энг олис бурчакларига ҳам ёйилган. Бунинг боиси корхона маҳсулоти доимо қўлмақўл, мижозлар навбат кутиб туришади.

Нарпайдаги ушбу "Зарафшон" хусусий корхонаси бундан ўн икки йил илгари иқтисодий инқирозга учраган ғишт заводи ўрнида қад ростлаган эди. Маҳаллий тадбиркор С.Орзиқулов бу корхонани оёққа турғазиш учун маблағи, куч ва имкониятларини аямади, елиб-югуришдан чарчамади.Натижа эса ёмон бўлмади. Қисқа фурсатда корхона қайта таъмирланиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган, 120 кишини мунтазам иш билан банд қиладиган корхонага айланди.

Бугунги кунда эса "Зарафшон" қурилиш ашёлари корхонаси вилоятдаги энг рентабелли, рақобатбардош ташкилотлардан бири ҳисобланади. Корхона ҳар йили қурилиш шахобчаларига 8-10 миллион дона сифатли пишиқ ғишт етказиб берилмоқда. Хусусан, вилоятдаги қатор коллеж, лицей ва спорт иншоотларининг бунёд этилишида, кўркам, замонавий қиёфа кашф этишида жамоанинг улуши катта. Нарпайлик тадбиркор биргина пишиқ ғишт ишлаб чиқариш билан чекланмай, яқинда завод қошида сут маҳсулотларини қайта ишлаб, сариёғ, пишлоқ ва қатиқ ишлаб чиқарадиган кичик завод қуриб ишга туширди. Кичик завод учун ускуналар 40 миллион сўмлик маблағ эвазига чет элдан олиб келинди. Натижада бир кеча-кундузда икки тонна сутни қайта ишлаш имкони туғилди. Бундан ташқари ушбу кичик завод ишга тушганидан сўнг яна йигирма киши иш билан таъминланди.

Яқинда ғишт заводи қошида эшик, дераза ва стол-стул тайёрлайдиган дурадгорлик цехни ҳам ишга тушириш ниятидамиз, — дейди С.Орзиқулов. — Эндиликда асосий вазифа маҳсулотимизни четга чиқаришдан иборат. Насиб қилса, бу мақсадимиз тез кунда амалга ошиб қолса керак. Чунки аллақачон қўшни республикалик қурувчилардан катта миқдорда буюртма олдик.

Инсонни фақат меҳнат, фидойилик, ташаббус кўрсатиб ишлаш улуғлайди. Бу фикрни нечоғлик тўғри эканини С. Орзиқулов фаолиятида кўриш мумкин.

**Акбар УЛУҒОВ,**
**журналист**

*Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ходимлари шу йилнинг иккинчи ярим йиллик иш режасига асосан вилоятдаги хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда мониторинг ўтказишаётиб, "Нью-Йорк-Самарқанд" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида муддати ўтган дебиторлик қарз мавжудлигига дуч келишди. Хўш, қўшма корхонада дебиторлик қарзи қандай юзага келган?! Бошқача айтганда, ким бўйнидаги қарзни тўламаяпти?*

# ИНТИЗОМИЙ ЧОРА



Масала моҳиятини англаш учун бироз илгарироққа мурожаат қилишга тўғри келади. Ўтган йилнинг 23 октябрида "Нью-Йорк-Самарқанд" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси билан Самарқанд шаҳридаги "Ховренко" номидаги очиқ акциядорлик жамияти ўртасида умумий нархи 1 миллион 920 минг 700 сўмлик ҳўл мева етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилади. Қўшма корхона мутасаддилари шу йил 27 январда акциядорлик жамиятига 1-сонли юк хати билан шафтоли, гилос, олма, лимон сингари шартномада кўрсатилган саккиз хил ҳўл мевани етказиб беради. "Ховренко" номидаги очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонага 1 миллион 800 минг сўм тўловни амалга оширадию, 120 минг 700 сўмни тўлашга қолганда, оқсайди.

Баъзи кишилар "Қарз унчалик катта эмаскан, шунга ҳам қоғоз қоралаб ёзиш шартми?" — дея эътироз билдириши мумкин. Бироқ гап бошқа томонда...

Қўшма корхона билан очиқ акциядорлик жамияти ўртасида қарздорлик юзага келди. Бу билан Президентимизнинг **"Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"**, шунингдек, **"Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонлари талаблари бир томонлама бузилган.

Адлия бошқармаси қўшма корхонанинг қонуний манфаатини кўзлаб, шартномага асосан етказиб берилган маҳсулот тўлови ва устамани ундириш тўғрисида очиқ акциядорлик жамиятини хўжалик судига берди. Суд даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Шундай қилиб, қарздордан 120 минг 700 сўм асосий қарз ва 60 минг 350 сўм устама суд тартибида ундирилди.

Вилоят адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги **"Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорига асосланиб аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида акциядорлик жамияти бошқаруви раиси номига тақдимнома киритганди. Бошқарув раиси Ш.Исҳоқов имзоси билан адлия бошқармасига жавоб хати келди. Унга акциядорлик жамияти бўйича чиқарилган 37-рақамли буйруқ илова ўтказиб юборгани учун жамият бош ҳисобчиси Л.Явкинага "ҳайфсан" интизомий чораси қўлланилган.

Энди гап тўланиши лозим бўлган қарзнинг кўп ёки озлигида эмаслигини англагандирсиз. Гап қонунларга қатъий амал қилиш ва шартнома шартларини ўз вақтида бажарилишини таъминлашда. Интизомий чора очиқ акциядорлик жамияти бош ҳисобчисини ҳушёр торттирган бўлса, ажаб эмас.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Saboq

Taassuf

## ТАДБИРКОРЛИК МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

"Парвоз" фермер хўжалигининг экин майдонлари Чуст туманидаги Каркидон ширкат хўжалиги ҳудудларидан жойлашган. У жойлар Тян-Шань тоғ тизмаларидан кафтдек, яққол кўзга ташланиб туради. Бу ерда нафақат яшаш, балки меҳнат қилишнинг ҳам ўзгача гашти бор.

Ўтган 2003 йилнинг 14 ноябр куни "Парвоз" фермер хўжалигининг бошлиғи М.Норматов "Чустдонмаҳсулот" ҳиссадорлик жамияти билан амалдаги йил ҳосили учун 383-сонли контрактация шартномасига қўл қўйган эди. Мазкур шартнома бўйича фермер хўжалиги 37,8 тонна ғалла етиштиришни ўз зиммасига олади. Шартноманинг 1.1-бандига асосан фермер хўжалиги ҳиссадорлик жамиятига 18,9 тонна прескурант нархларда, 18,9 тонна шартномавий нархларда буғдой етказиб бериши лозим эди. Бироқ, фермер хўжалигининг аъзолари зиммаларидаги мажбуриятларга масъулиятсизлик билан ёндошдилар. Натижада шартномада қайд этилган мажбурият бажарилмай қолиб кетди. Фермер хўжалигининг раҳбари М.Норматов ҳиссадорлик жамиятга 33,7 тонна буғдойни ҳеч қандай сабабсиз топширмади. Бундан ташқари фермер хўжалиги ҳиссадорлик жамиятдан аванс тариқасида олган 1.361.553 сўмлик уруғлик буғдойнинг қийматини ҳам тўламаган. Бундай ҳолат "Мўминжон Мамажонов" номли фермер хўжалиги мисолида ҳам кузатилади. Фермер хўжалигининг бошлиғи А.Мамажонов ўтган йилнинг 14 ноябр куни 471-сонли шартномага имзо чеккан эди. Мазкур шартнома шартига кўра, фермер хўжалиги аъзолари бу йил "Чустдонмаҳсулот" ҳиссадорлик жамиятига жами 24,8 тонна буғдой топширишлари керак эди. Фермер хўжалиги ҳиссадорлик жамиятига 18 тонна буғдойни топширмади. Боз устига қарз эвазига олинган 510081 сўмлик уруғлик буғдойнинг қийматини ҳали тўламади.

Вилоят Адлия бошқармаси юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда Фуқаролик кодексининг 333, 985-моддалари, Хўжалик процессуал кодексининг 135-138-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарорига мувофиқ "Чустдонмаҳсулот" ҳиссадорлик жамияти манфаатини кўзлаб, Наманган вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритди. Яқинда мазкур даъво аризалари юзасидан суд мажлиси бўлиб, суднинг ҳал қилув қарорига кўра, Чуст туманида фаолият кўрсатаётган 8 та фермер хўжалигидан 4.164.201 сўм миқдорида қопланмаган аванс пулларини ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Бу воқеани баён этишдан мақсад тадбиркорлик ҳар бир кишидан алоҳида масъулият, фидойилик талаб этишини таъкидлашдир. Зотан, бу масъулият унутилган жойда юқорида айтилгандай ҳолат келиб чиқаверади.

**Анваржон ТУРСУНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Huquqiy ma`rifat

# ЖАЗОЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

## ИҚТИСОДИЁТГА ДОИР ЖИНОЯТЛАРДА НИМАЛАРНИ ИСТИСНО ЭТАДИ?

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"-ги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ, корхона, муассаса, ташкилот мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, камомад, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда талон-тарож қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил қилади. Бироқ тергов ва суд амалиётида бундай қилмиш содир этган шахсларни асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари учрайди. Жумладан, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят Пайариқ туман судининг 2003 йил 5 декабрдаги ҳукмига асосан Г.га Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "в" банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган. Суднинг хулосасига кўра, Г. 2003 йил 7 август куни сотувчини алдаш йўли билан дўкондан 15 литр — 20.200 сўмлик истеъмол мойини олиб чиқиб кетган.

Иш материалларига қараганда, жиноят содир этилган кунда энг кам ойлик иш ҳақи 5440 сўм бўлиб, унинг беш баравари 27.200 сўмни ташкил этган. Кўриниб турибдики, айбдор томонидан содир этилган талон-тарож миқдори "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексда белгиланган "оз миқдор"дан ошмаган. Шунга қарамай, дастлабки терговда Г.га Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "в" банди билан айб эълон қилиб, суд эса уни шу модда билан айбдор деб топиб, хатога йўл қўйишган.

Албатта, мазкур иш бўйича суд ҳукмини бекор қилиш ва ишни ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан, жиноий ҳодиса юз бермагани учун тугатиш тўғрисида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига кассация тартибида протест киритилган.

Жиноят кодексининг муайян моддаларига мувофиқ, тергов идораси ва суд, қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотгани ёинки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани муносабати билан уни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиши мумкин. Аммо жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун амалда жорий этилгач ҳам айрим мутасадди идоралар бундай ҳуқуқдан суст фойдаланишмоқда. Жумладан, иқтисодиётга алоқадор ишлар бўйича биринчи марта жиноий қилмиш содир этган ва келтирилган зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан ҳам бу ҳуқуқий институтларни қўллаш масаласи ҳар доим муҳокама қилинаётгани йўқ. Масалан, жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2003 йил 14 январдаги ҳукмига асосан, мактаб директори вазифасида ишлаб келган Ш. ўқитувчи С.га меҳнат таътили учун тўланиши лозим бўлган 48.889 сўм пулни ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан ўзлаштиргани учун унга уч йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган. Суд Ш.нинг биринчи марта жиноят содир этгани, ўз айбини бўйнига олгани, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, ўн йилдан буён мактаб директори лавозимида ишлаб келаётганини инобатга олмаган ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 71-моддасини қўллаш масаласини муҳокама қилмаган. Олий суд томонидан ушбу жиноят ишини тугатиш тўғрисида протест киритилди.

Маълумки, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда банк-кредит муносабатлари ривожланиб, унинг кўлами муттасил кенгайиб бормоқда. Кредит шартномаси юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай низо фуқаролик ёки хўжалик процессуал қонунларида белгиланган тартибда тегишли судлар томонидан ҳал этилади. Хусусан, кредит сифатида олинган суммани қайтармаслик ҳар доим ҳам талон-тарож жинояти таркибини ташкил этмайди. Бундай жавобгарлик келиб чиқиши учун кредит олувчида қарз суммасини олиш пайтида уни қайтармаслик ва ўзлаштириш мақсади бўлгани аниқланиши лозим. Бироқ баъзан тергов ва суд амалиётида бу ҳолатга жиддий эътибор берилмаяпти, оқибатда айрим тадбиркорларнинг асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилаяпти.

Масалан, Урганч туманидаги "Оби ҳаёт-Арслонбек" хусусий фирмасининг раҳбари А. "Ўзтадбиркорбанк"нинг бўлимидан 1999 йил 22 июлда бир йил муддатга 5 миллион сўм кредит олган ва пулни ўз вақтида қайтармаган. Шу сабабли тергов идораси уни кредит пулини ўзлаштирганликда айблаб, жиноий жавобгарликка тортган.

Жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди 2002 йил 22 май куни А.ни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбли деб топиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида жарима тайинлаган. Бундан ташқари, А. 3 йил муддатга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга қараганда, А. олинган кредитга маҳсулот харид қилиб, гаровга қўйилган чойни ҳам сотиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳаракат қилган. Бироқ кўзлаган мақсадига эриша олмагани боис, қарз пулини тўлашга имкон топмаган. Жиноят кодексининг 41-моддасига кўра, ўзганинг ҳуқуқ ва манфаатларига хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик натижасида зарар етказиш жиноят ҳисобланмайди. Шу сабабли Олий суд судлов ҳайъати А.га оид жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан тугатди.

Жиноят кодексининг 167, 182 ва $186^1$-моддалари иккинчи қисм диспозициясида ушбу жиноятларни содир этиш усули сифатида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки хизмат лавозимидан фойдаланиш кўрсатилган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари бевосита юқорида қайд этилган моддалар билан қамраб олинади ва Жиноят кодексининг 205-моддаси билан қўшимча таснифлашни талаб этмайди.

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2003 йил 17 июлдаги ҳукмига кўра, фуқаро Р. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 205-моддаси 2-қисми "а" банди, 209-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан жарима жазоси тайинланган ҳамда у амнистия акти асосида жазодан озод қилинган. Р.Олмалиқ шаҳар "Даврон" кичик корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келган даврда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан ўзганинг 1 миллион 831 минг сўм пулини ўзлаштирган. Суд Р.нинг бу ҳаракатини фақат Жиноят кодексининг 167-моддаси тегишли қисми билан таснифлаш ўрнига ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "а" банди билан ортиқча таснифлаб, хатога йўл қўйган.

Суд маълумотларига кўра, жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун амалга киритилган вақтдан буён умумий судланганларга нисбатан қўлланилган жазо турлари орасида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. 2003 йилда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун судланган шахслардан 31,1 фоизига, 2002 йилда эса 38,8 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Бундай жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилган маҳкумларнинг асосий қисми, яъни 67,7 фоизи ўғрилик, 10,9 фоизи босқинчилик, 8,6 фоизи талончилик, 1,4 фоизи товламачилик жинояти учун судланган.

Аниқроқ айтганда, судлар томонидан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун, агар айбдорларнинг ҳаракатлари босқинчилик, талончилик, ўғрилик, товламачилик жиноятлари билан боғлиқ бўлмаса, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо деярли тайинланаётгани йўқ.

Хулоса ўрнида айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, либераллаштириш жараёнининг ҳаётга татбиқ этилиши ўзининг юксак самарасини бермоқда.

**М. МИРЗАЕВ**

Mitti maslahat

# ОТА-ОНА РОЗИЛИГИ

## у фарзандликка олишда катта аҳамиятга эга

Ҳаёт азалдан мураккаб яралган. Дунёда турфа хил воқеа-ҳодисалар учрайди. Бунинг устига ҳамма оилаларни бир хил бахтли деб аташ ҳам мушкул. Айтайлик, ҳаётда қайсидир оила тирноққа зор бўлиб яшайди. Албатта, бундай пайтда ана шундай оилалар фарзандликка бола олиб, тарбиялаши мумкин. Фақат бунинг қонуний томонлари бор. Қуйида ана шу ҳақда фикр юритамиз.

Аввало шуни қайд этиш жоизки, Оила кодексининг 159-моддасига кўра, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси розилиги талаб этилади. Бундай розилик икки хил бўлиши мумкин:

I. Болани маълум шахс томонидан фарзандликка олишдаги розилик;

II. Фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик идораси эътиборига ҳавола этиш учун берилган розилик.

Иккинчи ҳолатда фарзандликка олувчилар бола манфаатларидан келиб чиқиб, васийлик ва ҳомийлик идораси томонидан танланади ва бундай пайтда бола ота-онасининг қўшимча розилиги талаб қилинмайди.

Албатта, бу мураккаб масала. Кутилмаганда турли низолар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун бундай низоларнинг олдини олиш мақсадида боланинг фарзандликка олишинига ота-онанинг розилиги ёзма шаклда берилиб, имзолари белгиланган тартибда гувоҳлантирилиши талаб қилинади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: ота-онанинг розилигисиз ҳам фарзандликка бола олиш мумкинми? Ҳа, албатта мумкин. Оила кодексининг 160-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда бунга йўл қўйилади;



I. Ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;

II. Ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;

III. Ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

IV. Ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, болани ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга юқоридаги тўрт ҳолатнинг бири мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

Ота-онасининг кимлиги номаълум бўлган (масалан, ташлаб кетилган янги туғилган болани фарзандликка олиш) суд томонидан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган фуқароларнинг болаларини фарзандликка олишда ота-онанинг розилиги талаб қилинмайди. Чунки бундай розиликни олишнинг имконияти йўқ.

Шу ўринда яна бир муҳим ҳолатни эътибордан қочирмаслик лозим. Яъни ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, бу тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан камида 6 (олти) ой ўтгач, болани фарзандликка олишга йўл қўйилади. Бу қоида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини ҳал қилишда йўл қўйилиши эҳтимоли бўлган хатоларни бартараф қилиш имконини беради.

Гоҳида ота-она 1 (бир) йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмай қўяди. Бундай ҳолда болани ота-онасининг розилигисиз фарзандликка олиш мумкин. Аммо ота-онанинг ҳақиқатан ҳам, ўз боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаганлиги ҳолати исботланган бўлиши лозим. Буни боланинг ота-онаси яшайдиган манзилга билдирги ёзиш ёки ота-онанинг боласидан хабар олишни истамаслиги ҳақидаги ёзма кўрсатмаси, ота-она яшайдиган ўз-ўзини бошқариш идораси ёхуд бошқа яшаш жойидаги масъул идоранинг ота-онанинг боладан хабар олишга хоҳиши мавжуд эмаслиги ҳақидаги далолатномаси каби далилларни талаб қилиш орқали текшириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бу каби ҳолатларда болани фарзандликка беришда хатоликка йўл қўйиш ва болага ортиқча руҳий жароҳат етказишдан сақланиш лозим. Болалар — бизнинг келажагимиз. Уларни эъзозлаш, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Фахриддин СУВОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Куз гўзаллиги*

Hayot haqiqatlari

# ЁМОНЛИК – ЖАЗО, ЯХШИЛИК СОҲИБДИР!

***Одамзод пайдо бўлибдики, бу дунёда яхшилар кўпми, ёмонлар деган савол устида бош қотириб келади. Бунга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Аслида сиз билан биз яшаётган ҳаётнинг ўзи ушбу саволнинг энг тўғри ечимидир. Фақат буни англаш зарур. Англаганлар албатта, яхшилик билан ёмонликнинг фарқига боради. Далил ва исбот сифатида минглаб ҳаётий мисоллар ҳам топиб олади.***

...Самарқанднинг энг чекка қишлоқларидан бирида яшайдиган Иззат бобо деган кишининг икки ўғли ва икки қизи бор эди. Қизларини узатди, ўғилларини уйлади. Фақат меҳнат билан кўп нарсага эришди. Катта ўғилга машина олиб берди. Кичигига туман марказидан данғиллама иморат тиклади. Бироқ ўғиллар ноқобил чиқди. Бўлар-бўлмасга ота-онасидан пул сўрайдиган, бермаса ҳақорат қиладиган одат чиқарди. Иззат бобонинг аёли менинг раҳматли онам билан иноқ эди. Ҳар куни бўлмаса-да, ҳафта бир келиб дардини дастурхон қилар, йиғлаб-йиғлаб уйига кетар эди.

Кунларнинг бирида бу аёл уйимизда одатдагидан узоқ ўтириб қолди. У дардини тўкиб солиш баробарида, йиғлаб-йиғлаб, дока билан боғлаб қўйилган қўлининг шилиниб, кўкариб кетган бармоқларини, билакларини кўрсата туриб, шундай ёзғирди:

— Бугун тонгдаёқ бозорга бориб ўттиз килодан кўпроқ узум сотиб келдим. Бир пиёла чой ичгунимча остонада кичик ўғлим Шомилбек пайдо бўлди. Дўқ-пўписа билан пул сўради. Айтганини бердим. Санаб кўриб, яна бироз қўшинг деди. Қўшимчасини кейинги сафар бераман, ўғлим, дейишимга қарамасдан ўқлов билан оёғимга уриб, туфлисининг товони билан билакларимни эзиб ташлади. Зор қақшатиб, ҳамма пулимни олиб кетди. Энди ўзингиз овсинжон озгина қарз бериб турмасангиз бўлмайди...

Онам "ўғилларингиз ҳам аста-секин инсофга келиб қолар", дея унга қанчадир қарз берди.

Ҳе-е! Инсоф қайда дейсиз?! Шу куниёқ Шомилнинг акаси Комилбек ҳам келиб отасидан пул талаб қилган. Сўраганини ололмагач, ярим тунда укаси билан бирга отаси ётган уйга бостириб кирган.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

# ХИЁНАТ

СУД ОЧЕРКИ

***Шомурод бола-чақали, оилам дейдиган кишилар тоифасидан. Рўзғор тебратай, оилам ҳеч нарсага муҳтож бўлмасин, деб ўзини ўтга-чўққа уради. Шунга яраша топиш-тутиши ҳам ёмон эмас. У тижорат ишлари билан турли шаҳарларга тез-тез бориб туради. Иши битгунча баъзида бир кун, баъзида икки-уч кун ўша ёқларда қолиб кетишга ҳам тўғри келади.***

Ҳозир ҳам қўшни вилоят марказига қўнғироқ қилди-ю, лекин ўзи бориб бир-икки кун идорама-идора юрмаса, иши юришмаслигига кўзи етиб кўнгли хуфтон бўлди. Тўғрисини айтганда, Шомуроднинг дили фақат шуни ўйлаб хуфтон бўлмайди, йўқ, у бунақа оворагарчиликларга ўрганиб кўникиб кетган. Унинг дили хуфтон бўлишининг сабаби бошқа, бутунлай бошқа.

У кун бўйи югур-югурлардан чарчаб уйига қайтаётган эди. Муюлишдаги кўчадан чиқди-ю, турган жойида қотиб қолди. Кўча эшиги ёнида хотини Салима қўшниси Бахтиёр билан турар, Бахтиёр унга нималар ҳақидадир гапирар, Салима эса қотиб-қотиб кулар, уларни кўрган ҳар қандай киши булар қўшни эмас, бир-бирини кўрмаса, тура олмайдиган ошиқу маъшуқалар, деб ўйлаши турган гап.

Шомуроднинг кўз ўнгги қоронғулашди, қўллари мушт бўлиб тугилди, миясида яшиндек чақнаган ғазаб бутун вужудини куйдириб ўтди. "Мен унга айтган эдим-а, оёғингни билиб бос, деб. Шунча гапсўздан кейин ҳам..."

Бундан бир ҳафтача бурун уч-тўрт кунлик сафардан қайтгач, дўсти Собир уни уйига меҳмонга чақирди. Шахмат ўйнашди, у ёқ-бу ёқдан гаплашишди. Шомурод уйга кетиш учун ўрнидан қўзғалганда, уни эшиккача кузатиб чиққан Собир:

— Шомурод бир гап айтсам, кўнглингга олмагин, шу қўшнинг Бахтиёр сен йўқлигингда уйингга ўз уйидай кириб чиқадиган бўлиб қолибди. Қизишмасдан хотининг билан бир гаплаш, қулоғимга ҳар хил гаплар чаляпти...

Шомуроднинг ўзи ҳам хотинини ўзгариб қолганини сезарди. Илгарилари сафарга кетаётганида хотини "Бормай қўя қолмайсизми?" — деб ёлворар, бормасликнинг иложи йўқлигини билгач, "Ундай бўлса, ҳаялламай кела қолинг", — деб қайта-қайта тайинларди. Лекин кейинги пайтларда у ўзгарди. Сафарга кетаётганда ҳам, сафардан қайтганда ҳам хотинининг парвойи палак эди. Бир куни у хотинига:

— Мен бу гал анча қолиб кетсам керак, — деди.

Авваллари бундай пайтда кўзёши тўкиб, борманг, қўйинг шу ишингизни, деб ялиниб-ёлворадиган Салима бу гал кутилмаганда очилиб-сочилиб кетди:

— Майли, ишларингизни бемалол битказиб келаверинг, – деди.

— Ие, қўрқмайдиган бўлиб қолибсанми?

— Одам боласи ҳамма нарсага кўникар экан, мана мен ҳам ўрганиб қолдим, — деди у кулиб.

Шомурод Салиманинг гапларида аввалгидек табиийлик, самимийлик эмас, сунъийлик, сохталикни сезиб вужуди сесканди. "Салима ўзгарибди, ёмон томонга ўзгарибди. Ишқилиб, менинг йўқлигимда биронтаси билан... Йўғ-эй, товба қилдим, товба қилдим..." Шомурод хаёлига келган ўйдан чўчиди. "Ахир, менинг шаънимга, оиласининг, икки нафар фарзандимизнинг шаънига доғ туширмас..."

Шомурод хотинининг юзига қаттиқ тикилди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Jinoyat va jazo

Qonun va biz

# БИР УЙ МОЖАРОСИ

***Ён қўшни-жон қўшни дейдилар. Тўғрида, тўй-маърака, яхши-ёмон кунда қўшнинг ярайди. Бунинг устига бир ён қўшнинг, бир гўр қўшнинг яхши бўлсин, деган нақл ҳам бор. Орамизда битта майиз топса ҳам бўлиб ейдиган, иссиқ-совуқ кунларда ҳам бирдек елкама-елка тургувчи қадрдон қўшнилар жуда кўп. Аммо Андижон шаҳридаги Шаҳрихон кўча, 260-уйда яшовчи Турсунбой Абдурасулов билан Муяссар Эргашеванинг қўшничилиги на ўзларига, на бошқага татиди...***

Икки қўшни орасидан қора мушук ўтдими, улар тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолишди. Турсунбой ака оиласи билан ота-бувасидан қолган эски маҳалланинг эски ҳовлиларидан бирида яшаб келарди. Ҳовлининг этак томонига янги уйлар қурилди-ю, Муяссар Эргашевалар оиласи кўчиб келди.



Янги қўшниларга эски қўшнилар ҳовлиси кенгроқ кўриндими, уларнинг ўзбошимчалик билан уй қуриб олганлиги ҳақида мутасадди идораларга ариза ёза бошлашди. Натижада Андижон шаҳар прокурори давлат манфаатини кўзлаб, судга даъво ариза киритди, фуқаро Турсунбой Абдурасулов томонидан унга қурилиш қилмаслик шарти билан фойдаланиш учун берилган уйнинг олдидаги ер майдонига рухсатсиз ва ҳужжатсиз ўзбошимчалик билан қўшимча қурилишлар қуриб олганини кўрсатиб, бу қурилишни жавобгарнинг ўз ҳиссасидан бузиб ташлашни сўради.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2001 йил 5 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилди. Суднинг ушбу қарори қонуний кучга киргач, икки хонали яшаш уйи ва девор бузиб ташланди.

Бу воқеага ҳам уч йил бўлди. Бузиб ташланган уй ўрни ана шундай вайрона ҳолда турибди...

Кейинчалик эса суднинг қарор ва ажримларидан норози бўлган Турсунбой Абдурасулов Республика Олий судига назорат тартибида шикоят аризаси билан мурожаат этади. 2003 йил 12 август куни Олий суд томонидан Фарғона вилоят суди раёсатига протест киритилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция судлов ҳайъати 2003 йил 5 октябридаги ажрими билан Андижон туманлараро судининг уйни бузиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ва бу ҳақдаги кассация инстанциясининг 2002 йил 23 мартдаги ажрими тўлиқ бекор қилиниб, даъво асоссиз бўлгани учун рад этилади. Аниқроғи, икки хонали уй нотўғри бузилган, деб топилади, деворни бузиш ҳақидаги қисми эса ўз кучида қолдирилади.

Хўш, нега шундай бўлди? Нега биринчи инстанция судининг қарорлари бекор қилинди?

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судлов ҳайъати томонидан низоли уй-жой бевосита жойига чиқиб кўрилганда, даъво аризада бузиш сўралган низоли икки хонали уйга собиқ Андижон шаҳар ижроия қўмитасининг 1991 йил 9 июлдаги 262/13 сонли қарори билан жавобгар Турсунбой Абдурасуловнинг отаси Абдурасул Ҳотамовга эгалик ҳуқуқи берилганлиги аниқланди. Кейинчалик эса А. Ҳотамов бошқа иморатлар билан қўшиб уларни ўз ўғлига нотариал тартибда ҳадя этган бўлса-да, биринчи инстанция судининг чуқур ўрганмасдан бир тарафлама қабул қилинган қарори туфайли уй бузиб ташланган.

Кези келганда, шуни таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодексининг 182-моддасида **"мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари бўлиб ҳисобланиши"** кўрсатилган. Суд даъвони қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришда даъвогар бузишни талаб қилаётган низоли уй қонунда белгиланган тартибда жавобгарнинг отаси А.Ҳотамовнинг мулки деб эътироф этилганини ҳисобга олмай, судга тақдим этилган далилларни муҳокама қилмасдан жавобгарнинг мулк ҳуқуқи бузилишига йўл қўйилган. Албатта, суднинг ноҳолислиги туфайли хатога йўл қўйиши бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлишига, яшаб турган уйининг вайронага айланишига, ўзининг адолат истаб, сарсон-саргардон бўлиб, моддий ва маънавий зарар кўришига олиб келган.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Jahon tajribasi

# ЗАРУРИЙ МУДОФАА ИНСТИТУТИ

***Ҳаёт мураккаб ва зиддиятли яралган. Инсон турмушда турли тўсиқларга, ҳатто ўз ҳаёти, соғлиғига қаратилган тажовузларга ҳам дуч келиши мумкин.***

***Хўш, бундай вазиятда киши қандай йўл тутиши керак? Яъни киши тажовуздан ўзини мудофаа қилиши жиноят саналадими?***

***Умуман айтганда, зарурий мудофаа институти деганда нима англашилади?***

Маълумки, мамлакатимиз Жиноят кодексининг 37-моддасида зарурий мудофаа тушунчаси ўз ифодасини топган бўлиб, унга мувофиқ, **зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёҳуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида амалга оширилган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.**

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Хўш, хорижий давлатлар қонунчилигида зарурий мудофаа институтининг ўрни қандай?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аксарият хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида айнан "зарурий мудофаа" тушунчаси ва унинг ҳуқуқий шартлари ҳақида сўз юритилмайди, балки бошқача шаклда, яъни **"босқинчилик қилган шахсга нисбатан ўзини ҳимоя қилиш"** ҳолатлари кўрсатилган. Масалан, Францияда 1992 йилда қабул қилинган жиноят қонунчилиги(122-5-модда)да **"шахс тунда турар жойга қулфни бузиб, куч ишлатиб ёки айёрлик қилиб кирмоқчи бўлган шахсга қашилик кўрсатиш мақсадида куч ишлатиб ўғирлик ёки босқинчиликни амалга оширувчи шахслардан ўзини ҳимоя этса, у мудофаа ҳолатида ҳуқуқий ҳаракат қилган деб ҳисобланади"** дея қайд этилган

Бундан ташқари, Франция жиноят қонунида зарурий мудофаа масалалари акс эттирилган меъёрий ҳужжатлар, тажовуз хусусияти ва ҳимояланувчининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, уч гуруҳга ажратиб ўрганилади.

Хусусан, бу меъёрий ҳужжатларнинг биринчи гуруҳи мудофааланувчи ва тажовузларнинг **"ўзаро таъсири"** жараёни ҳимояланувчининг ўзига, бошқа шахслар, мулкчилик муносабатларига нисбатан содир этилган тажовузга қарши ҳолатларни тартибга солган. Бундай мудофаа чегараси фақат мулкчилик муносабатларини ҳимоя қилиш ҳаракатига нисбатан ўрганилади.

Шунингдек, юқорида таъкидлаган 122-5-моддага кўра, **агар шахс ўзига ёки бошқа шахсларга нисбатан бўлган жиноий тажовуздан ўзини ёки бошқа шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган зарурий мудофаани амалга оширса, у жавобгарликка тортилмайди.**



Агар шахс мулкка қарши содир этилаётган жиноят ёки қилмишнинг олдини олиш ёки бу жиноий ҳаракатларни тўхтатиш мақсадида одам ўлдиришдан ташқари ҳимоя ҳаракатларини содир этса ва бу ҳаракатлар маълум бир мақсадга эришиш учун қатъий зарур бўлса амалга оширилаётган чоралар жиноий қилмишнинг жиддийлигига мувофиқ келса, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Бундан ташқари зарурий мудофаа мезонини аниқлашда Франция жиноят қонунчилигининг иккинчи гуруҳида хавфнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган мудофаа назарда тутилади. Яъни шахс ўзига, бошқа шахсга ёхуд мулкка мавжуд ёки келиб чиқиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш мақсадида ҳаракат қилса, бу ҳаракат жиноят саналмайди.

Учинчи гуруҳда эса мутлақо чегарасиз зарурий мудофаа ҳақида сўз юритилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, зарурий мудофаа институтининг қонунчиликда акс этиши моҳият-эътибори билан инсон ҳақ-ҳуқуқи, унинг дахлсиз мулкини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Зеро, тажовуздан ўзини, мол-мулкини ҳимоя қилиш қонунчиликда жиноят эмас деб топилиши инсонпарварлик намунаси саналади.

**Хуршидабону ХУРРАМ қизи**

Yodnoma

# ИНСОН ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

**Бешафқат ўлим камтарин инсон, тажрибали ҳуқуқшунос Алижон Жўраевни орамиздан олиб кетди.**

**1939 йил 1 майда Сирдарё вилоятида туғилган Алижон Жўраев ибратли ва сермазмун умр йўлини босиб ўтди. У ўрта мактабни тугатгач, 1956 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киради. 1961 йилда мазкур ўқув даргоҳини муваффақиятли тугатиб, дастлабки меҳнат фаолиятини Бухоро вилояти, Вобкент тумани прокуратурасида терговчи сифатида бошлайди. 1964-1968 йилларда "Сирдарёвилоятқишлоққурилиш" корхонасида иқтисодчи, ҳуқуқий маслаҳатчи, 1968-70 йилларда Сирдарё вилояти прокуратурасида бўлим прокурори, терговчи бўлиб ишлайди. 1970 йилдан 1976 йилгача Сирдарё вилоятининг ҳозирги Ш.Рашидов тумани ҳамда Гулистон шаҳри прокуратурасида терговчи сифатида фаолият олиб борди.**

**Алижон Жўраев 1976-82 йилларда Янгиер тумани судининг судьяси, 1982-83 йилларда Жиззах шаҳар судининг раиси, 1986-90 йилларда Сирдарё вилояти Давлат арбитражида бош давлат арбитри, давлат арбитри ўринбосари вазифаларида фаолият юритади. 1992 йилдан 2001 йилга қадар фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг судьяси сифатида иш олиб борди.**

**Алижон Жўраев қайси лавозимда фаолият юритмасин ҳамиша ўзининг ҳалоллиги, ҳар бир вазифага катта масъулият билан ёндошиши билан обрў-эътибор қозонди. Шунинг учун бугун кўпчилик Алижон Жўраевнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади.**

**Шунингдек, Алижон Жўраев ўзининг сермазмун умри, самарали меҳнат фаолияти давомида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Шунинг учун ҳам кўпгина ҳуқуқшунослар бу табаррук инсонни меҳрибон устоз, тажрибали ҳуқуқшунос сифатида эъзозлашарди.**

**Алижон Жўраевнинг кўп йиллик фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланган. Унга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвонини берилиши ҳам бу фикримизни исботидир. Олийжаноб инсон, билимдон устоз, малакали ҳуқуқшунос Алижон Отақулович Жўраевнинг ёрқин хотираси ёдимизда абадий сақланиб қолади.**

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАСИ**

Hayot haqiqatlari

# ЁМОНЛИК – ЖАЗО, ЯХШИЛИК СОҲИБДИР!

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Қисқаси, ноқобил ўғилларга ҳадеганда инсоф кирмади. Эл-халқ эса ҳайрон. Ота-она туппа-тузук одамлар, халқ орасида бинойидек обрў-эътибори бор. Ўғиллар эса... Қишлоғимизнинг кайвонлари ўғилларни ўртага олиб, жуда кўп марта панд-насиҳат қилишди. Лекин улар қулоқ солишмади.

Ота-она эса ўз ажали билан эмас, фарзандларининг қилмишидан куйиб-куйиб дунёдан ўтишди.

Бироқ ёмонлик бу дунёда жазосиз қолмас экан. Орадан бир йил ҳам ўтмади, шекилли, Комил машинасида кетаётиб, "Нагорная" станциясида юк поездининг остида қолиб кетди... Кенжа ўғил Шомилбек эса отаси ҳавас билан тушириб берган ойдеккина хотини билан ажрашиб, бир суюқоёқ аёлга уйланиб олди. Кейин кутилмаганда у қазо қилди. Кимдир топган аёли заҳарлабди, деди, бошқа биров ота-онасининг қарғиши тутган деди. Қисқаси, у дунёдан ўтгач, ҳалиги аёл уйни шартта сотди-ю, қаёққадир изсиз ғойиб бўлди...

Кўриб, ўқиб турганимиздек, оқибатсизликнинг натижаси катта фожиа билан тугади. Демак, хулоса қилиш мумкинки, ёмонларни жазолаш шарт эмас. Сабаби ёмонликнинг ўзи унинг этагидан тутган кимса учун энг катта жазодир.

Чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, ҳаётдаги иллат ва қусурлар сингари ёмонлик ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бунинг остида ҳам кимларнинг шахсий манфаатлари ётганлиги аниқ. Масалан, бозорларда савдо қиладиган баъзи бир кимсалар кўпроқ даромад қилиш учун маҳсулотини харидорлигига қараб баҳосини икки, уч ҳисса ошириб сотади. Шунингдек, савдодан тушаётган даромадни солиқ идораларига камроқ қилиб кўрсатади. Қарабсизки, нопок йўл билан қозонини ҳам, чўмичини ҳам мойга ботиради. Молу давлати ортиб боравергач, ўша кимсанинг кўнгли нималарга кетмайди дейсиз. Пайтдан фойдаланиб ўрта мактабни паст баҳоларга зўрға битириб олган ўғилчасини олий ўқув юртига киритишни истаб қолса-чи? Унда ўзи бошлаб берган ёмонлик иллати фарзандларининг ҳам миясига илдиз ота бошлайди. Қарабсизки, бирники — ўнга, ўнники — мингга деганларидек, қозонга яқинлашганга қораси юқаверади.

Агар тарихга назар солсак, ёмонлик, хиёнат нафақат ўз даврида, балки барча давр авлодлари томонидан ҳам қаттиқ қораланиб келинганига гувоҳ бўламиз. Маҳмуд Ялавочнинг аянчли қисматини бир эсланг! У бойлик орттириш, ҳокимиятни қўлга киритиш васвасасида остонада турган ғанимга шаҳар дарвозасини очиб берган...

Албатта, унинг хиёнати халқимиз учун жуда қимматга тушган, ғаним юртимиз тупроғини топтаган. Аммо Маҳмуд Ялавоч хиёнати учун ўз даврида жазога тортилиб қолмай (айтишларича, уни ғанимнинг ўзи ҳар тонг ит бўлиб увлашга мажбур қилган) тарих давомида лаънатланиб келмоқда...

Бу ёмонликка, хиёнатга тарихнинг берган баҳоси.

Бундан фарқли ўлароқ, тарихда эзгуликни, яхшиликни ҳамиша юксак қадрлаган, шу йўлда саъй-ҳаракат кўрсатган кишилар ўз даврида ҳам, келажакда ҳам эъзоз топган. Қадим аждодимиз Широқ кўрсатган жасорат кимларни ҳайратга солмайди, дейсиз?!

Тўғри, у оддий чўпон бўлган, лекин унинг шу тупроққа муҳаббати, одамларга яхшилик истаб, ёвузликни қайтариш йўлидаги кўрсатган жасорати асрлар бўйи тилларда достон бўлиб келмоқда.

Ҳолбуки, тарихимизда зарҳал ҳарфлар билан битилган бундай ёруғ воқеалар яхшилик, эзгулик нақадар бебаҳо неъмат эканини, халқимиз ана шундай муқаддас туйғуларни эъзозлагани учун не-не қийинчилик, уруш ва қирғин баротларни мардонавор енгиб ёруғ кунларга келаётганини англаш мумкин.

Алқисса, буни эслашимиздан мақсад оқни-оқ, қорани-қора ўрнида кўришдир. Ва бунинг натижасида биз орамизда яхшилар кўпми, ёмонлар деган саволга ҳам ўзимизча энг тўғри жавобни топгандай бўламиз. Одатда, ёмон одамнинг дўсти битта бўлса, яхшиники мингдан ошади. Демак, ҳаётда яхшилар ва яхшилик кўп экан. Янаям аниқроғи, ёмон бир марта эсланса, яхшилар кунига минг марта эсга олинади.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Qonun va biz

# БИР УЙ МОЖАРОСИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Шунинг учун ҳам Турсунбой Абдурасулов жавобгарлар — қўшниси Муяссар Эргашева, техник инвентарлаш бюроси ходимлари ҳамда суд ижрочиларига нисбатан етказилган моддий-маънавий зарарни ундириш тўғрисида судга даъво ариза киритди.

Буни қарангки, шунча воқеадан сўнг ҳам иккинчи томон қараб турмади. Яъни Муяссар Эргашева ҳам маънавий зарар учун пул ундириш тўғрисида судга қарши даъво ариза киритди.

Ушбу аризалар фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судида судья Аъзамжон Юсупов раислигида кўриб чиқилди. Судда Турсунбой Абдурасуловга етказилган моддий ва маънавий зарар сабаблари атрофлича ўрганиб чиқилди.

Демак, аслида Турсунбой Абдурасуловга отасидан ҳадя бўлиб ўтган уй ҳужжатлари қонуний бўлиб, мутасадди ходимларнинг эътиборсизлиги туфайли вилоят техник инвентарлаш кадастр бюросида ҳамда вилоят давлат архитектура ва қурилиш назорат бошқармасида тузилган.

Бу эса айни пайтда биринчи инстанция суди томонидан нотўғри қарор қабул қилинишига ва уйни бузиб ташланишига олиб келган. Бузиб ташланган уй суд-қурилиш техник экспертизасининг хулосасига кўра, 2 миллион 100 минг 622 сўм миқдорида баҳоланган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 382-моддасида ижро этилгач, ҳал қилув қарори бекор қилинган. Иш янгидан кўриб чиқилгандан кейин талабларни қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган. Ёхуд иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ёки аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда, бекор қилинган ҳал қилув қарори бўйича жавобгардан даъвогарнинг фойдасига ундирилган нарсаларнинг ҳаммаси жавобгарга яна қайтариб берилиши лозим, деб белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 985-моддасида **эса "Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар — зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим, қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин"** деб қайд этилган. Шу кодекснинг 1021-моддасида **«маънавий зарар уни етказувчининг айби билан бўлган тақдирда зарар етказувчи томонидан қопланади»,** деб белгиланган.

Суд қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда юқорида баён этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, даъвони қисман қаноатлантирди. Яъни суднинг қарорига кўра, жавобгарлар Андижон вилоят техник инвентарлаш кадастр бюроси ҳамда вилоят давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси мутахассиси М.Олимовдан солидар тартибда Турсунбой Абдурасулов фойдасига етказилган моддий зарар учун 2 миллион 100 минг 622 сўм, маънавий зарар учун 200 минг сўм ундириладиган бўлди. Даъвонинг қолган қисми асоссиз бўлганлиги сабабли рад этилди.

Муяссар Эргашеванинг қарши даъвоси нима бўлди, дерсиз? Унинг Турсунбой Абдурасуловдан маънавий зарар учун 15 миллион сўм ундириш тўғрисидаги даъвоси асоссиз бўлганлиги учун рад этилди.

Назаримизда, икки қўшни ўртасида бошланган бир уй можароси, тўрт йил давом этган сарсонгарчилик суднинг шу қарори билан барҳам топди. Адолат тикланди. Буни қарангки, қўшнилар ўртасидаги муносабатларни ҳам қонун тартибга солди.

Лекин бу адолатга етгунча Турсунбой Абдурасулов оиласи анча азият чекди. Вайрон бўлган уй ҳали тиклангани йўқ. Хўш, масаланинг аҳлоқий томонларини оладиган бўлсак, қўшнисининг шунча сарсонгарчиликларидан — иккаласи ҳам ҳуқуқшунос бўлган эр-хотин Муяссар Эргашева ва Азимжон Ёқубовларнинг кўнгиллари тўлдимикин? Бу можаролар қонун асосида ҳал этилди, бузилган уй ҳам зарарлар ундирилгач, қийинчилик билан бўлса-да, (ахир, уй қуриш ҳам осонмас-да) тикланар, лекин қўшнилар қалбидаги дарз битармикин?!

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**




## ЭЪЛОН

## Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

*1. "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" кафедраси бўйича доцент — 2.*
*2. "Давлат ва ҳуқуқ тарихи" кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 2.*
*3. "Жиноят ҳуқуқи" кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1. Доцент — 1.*
*4. "Жиноят жараёни" кафедраси бўйича доцент — 1.*
*5. "Маъмурий ва молия ҳуқуқи" кафедраси бўйича доцент — 1.*
*6. "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1.*
*7. "Чет тиллари" кафедраси бўйича доцент — 1. Катта ўқитувчи — 3.*
*8. "Рус тили" кафедраси бўйича доцент — 2.*
*9. "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 та.*

*Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:*
*1. Ректор номига ариза.*
*2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.*
*3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақида аттестатлар нусхалари.*
*4. Илмий ишлар рўйхати.*

**Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй 24-хона, 99-хона.**
**Телефон: 136-09-39, 133-48-66.**


Taqdir tarixi

***Ўтган XX асрнинг энг бешафқат жиноятчиси Вячислав Иваньков яна икки ойдан сўнг, яъни 2005 йилнинг 2 январида 65 ёшга киради. Одамлар дейдики, яхшиям, Иваньков қариб қолди. Дунё ўғриларининг энг йиртқич "акуласи" кучдан қолди... Энди хотиржам яшасак бўлади...***

***Аслида бундай эмас. Истеъфодаги милиция полковниги, Вячислав Иваньковни қўлга олиш ва суд қилишда фаол иштирок этган Анатолий Жигео эса бу ўғрибошининг бундан кейинги ҳаёти ҳақида шундай дейди:***

# БЕШАФҚАТ НАФС

## ЁХУД XX АСР ЎҒРИБОШИСИНИНГ ҚЎЛГА ОЛИНИШИ

— Унинг номи бутун дунё ҳуқуқ тартибот ва хавфсизлик идоралари вакилларига таниш. Демак, у озодликка чиқиб қайта жиноят содир этгани билан қочиб қутулолмайди. Демак, Иваньковнинг олдида яна бир қанча жиноятларнинг йўли, кимлардандир ўч олиш имкониятлари бор. Хоҳласа у қолган умрини балиқ тутиш билан ҳам ўтказиши мумкин. Энг ёмони, унинг учун жиноий жазо ҳам, жиноят ҳам арзимас, бефарқ ўйин бўлиб қолган...

Мана шунақа ишлар. Гапни мавриди билан айтганда, яъни ҳар битта воқеа ва ҳодисани ўз номи билан ҳамда қандай бўлса, шундайлигича таърифлайдиган бўлсак, Вячислав Иваньков ҳолва эмас. Шунингдек, уни рус мақоли билан айтганда, айни паллада балиқ ҳам, гўшт ҳам деб бўлмайди. Ҳатто унинг орттирган лақабларида ҳам аниқ тўхтам ва бир хиллик йўқ: «Ёқимтой Япон», «Бешафқат Япон», «Бобой», «Орзудаги куёв»...

Ўғрибоши Вячислав Иваньков бошқа жиноятчиларга ўхшаб биргина суд ва жазоланиш билан милиция ёки прокурорни кўрса, юраги типирчилаб, ияги шақирлайдиган қўрқоқ ҳамда кераксиз одамга айланиб қолмади. Балки у жиноятлари сонини кўпайтириб, ҳамтовоқларининг даврасини кенгайтириб борди. Шунинг учун ҳам 1974, 1976, 1982, 1986, 1988 йилларда кетма-кет беш марта суд қилинди. Бироқ унинг фирибгарлиги, уддабуронлиги олдида беш, ўн йиллик қамоқ жазоси кўрпа-тўшак ташланмаган ёғоч кароватда икки-уч соат мириқиб ухлаб туришдек бир гап эди. Жиноятчи Иваньковнинг феъли ҳам сал бошқачароқ. Кўпинча итга ҳам, битга ҳам тегавермасдан судхўр-пулдорларни шилийди. Шунингдек, у ёшлигида, тўғрироғи, айни кучга тўлган чоғида ўтакетган даражада миллатчи бўлган. Москвадаги энг яхши ва сермижоз ресторанлардан бирининг хизматчиси дастлаб рус хўрандасига эмас, хорижлик сайёҳга хизмат қилганлиги учун ўғрибошининг ғазабига учрайди ва ўлардек калтакланади.

Суд жараёнлари давомида унга қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган фирибгар, ўзгаларнинг кўплаб мол-мулкини талон-тарож қилган муттаҳам, бегона аёлларни бешафқат зўрлаган қабиҳ кимса, милиция хизматчисига нисбатан қурол билан тажовуз қилган жиноятчи, ноқонуний қурол олиб юрадиган рецедивист, оддий фуқароларга қўққисдан ҳужум қилиб, бор-будини шилиб оладиган босқинчи, бешафқат қотил, эс-ҳуши жойида, руҳан соппа-соғ ҳолатда фуқаролар ва давлат манфаатларига зид фаолият олиб борадиган қўпорувчи деган хилма-хил айблар қўйилган. Сир эмаски, унинг бўйнига қўйилган барча айблар йиллар давомида сўзсиз амалга оширилган.

Замоннинг феъли ёки тақдирнинг тақозоси биланми Вячислав Иваньков, бир неча бор қамалганлигидан қатъи назар, аксарият ҳолларда муддатидан олдин озодликка чиқиб кетавериши ҳам кишини ажаблантиради. Бунинг устига адвокат оқловчиларнинг энг уддабурон ва зўрлари фақат Иваньков учун хизмат қилган. Уларнинг елиб-югуриб кўрсатган саъй-ҳаракатлари натижасида ўғрибошига қўйилган 1988 йилги айб собиқ СССР Олий суди томонидан бекор қилинади ва шоввоз Иваньков яна муддатидан олдин озодликка чиқарилади. Бироқ бундан буён у Россияда яшашни истамайди. Шунинг учун барча имкониятини ишга солиб, яна бир марта ҳамма-ҳаммани, айниқса, суд-ҳуқуқ ходимларини ҳайратда қолдиради. Озодликда яшаган уч ой давомида хорижий паспорт тўғрилаб, ўзи учун Америка Қўшма Штатларига катта йўл очади ва бир зумда ушбу сеҳрли мамлакат фуқаросига айланади. Ўша замонда хорижга чиқиш ва хорижий паспортга эга бўлиш учун ҳар қандай шахс Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда КГБнинг темир тегирмонидан ўтказилар ва бу тегирмондан "хорижга боришга ҳақли" деган "сифат" ёрлиғи билан чиқиш камдан-кам одамгагина насиб этарди. Иваньков пешонасида хавфли жиноятчи деган тамғаси бўлса-да, ана шундай имкониятни қўлга киритган.

Албатта, бунинг биз билмаган мингта сирли томони бор...

Бундан буён хавф-хатарсиз яшашни орзу қилган ва хорижда туриб, ғанимларидан аёвсиз ўч ҳамда ҳисобсиз "улуш" олиб туриш мақсадида 1992 йилнинг март ойида Америка Қўшма Штатларига жўнайди. Бироқ хотиржам яшаш қаёкда дейсиз?! Ҳуқуқ- тартибот идоралари ходимлари ўғрибошини бир зум бўлса-да, кўздан қочирмадилар. Натижада унга 1995 йилнинг 8 июнида Нью-Йоркда қўлга олиниб, унга 3,5 миллион АҚШ долларини ноқонуний ўзлаштирган, деган айб қўйилди. Суд жараёни салкам икки йил давом этди ва 1997 йилга келиб "Япончик" лақабли Вячислав Иваньков 9 йилу 7 ойга озодликдан маҳрум этилди. Қамоқ жазосининг 7 йилини АҚШда ўтказишга мажбур бўлди ва ниҳоят, 2004 йилнинг 13 июлида яна Москвага олиб келинди ва "Матросская тишина" номли жазони ўташ ҳамда текширув олиб бориш қамоқхонасига жойлаштирилди.

Иваньковни қўлга олиш ва қилмишларига яраша жазо тайинлашда фаол иштирок этган собиқ милиция ходими, Москва шаҳар ички ишлар бошқармаси 7-бўлим бошлиғи полковник Виктор Руд яқингинада оламдан ўтди. Дафн маросимидан сўнг марҳумнинг хонасидан қариндош-уруғлари қуйидаги мактубни топишади ва ўғрибошининг таниши Сергей Хазаровга етказишади: "Ҳузуримга ҳар куни ўнлаб милиция ходимлари ташриф буюришади. Уларнинг кўпчилиги Иваньков ва унинг фаолияти тўғрисида салбий фикрда бўлишган ва ҳамиша ҳукуматга қораловчи маълумотлар етказиб туришган. Бу уринишларнинг охири шундай натижаларга келиб тақаладики, милиция вакиллари Иваньков тўғрисида турли уйдирма хабарлар тўплаб, унвонлар олишни бошладилар. Ана шундай кимсалар ҳозирга келиб жиноятчи Вячислав Иваньковнинг айби йўқ эди, ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилди, деб жар солишмоқда. Улар уни бутунлай оқлаб, шу йўл билан мўмайгина даромад олишни режалаштирмоқда..."

Одамзоднинг феъли шунақа ўзи. Бўлса, кўролмайди, йўқ бўлса беролмайди. Дарвоқе, бу борада Вячислав Иваньковни ҳам мутлақо айбсиз деб бўлмайди. У ҳақиқий жиноятчи, қотил ва оддий фуқароларнинг юрагига ғулғула солган.

*(Давоми келгуси сонда)*

**Хорижий матбуот материаллари асосида**
**Умид РАҲМАТОВ тайёрлади.**

Jinoyat va jazo

# ХИЁНАТ

## СУД ОЧЕРКИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

— Вой, намунча, нима гуноҳ қилибманки, бунақа ёмон қарайсиз?

— Менга қара, Салима, оёғингни билиб бос, бирон-бир гап эшитсам, ўзингга ёмон бўлади, билиб қўй.

— Нимага бундай деяпсиз?! Мен сизнинг олдингизда ҳам, яратганнинг олдида ҳам бегуноҳман, – қасам ичди у Шомуроднинг кўзларига тик қараб.

Шомурод елкасини эзиб турган тоғ қулаб тушгандай енгил нафас олди. Хотини ҳақида ҳар хил бўлмағур хаёлларга боргани учун ўзини койиди. Лекин у хотинининг қасами шунчаки эрини чалғитиш, унинг сўроқ-саволларидан тезроқ қутулиш учун айтилган ҳавойи гаплар бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмади. Лекин нима бўлганда ҳам Шомурод хотинини огоҳлантириб қўйди.

Салима эса эрининг сўзлари устида чуқур бош қотириши, ўзи қадам қўйган хиёнат йўли оиласини барбод қилиши, эри билан бўлган бугунги суҳбат қинғир йўлдан қайтишига ўзига хос даъват бўлиши ва бунга қулоқ қоқмай итоат этиши лозим эди.

Аммо у эрига ёлғон сўзларни ростдай қилиб айтиб уни ишонтирганига хурсанд бўлди.

Ҳозир ҳам ҳовлига сув сепаркан, эрининг сўроқ-саволларига ишонарли жавоб топиш учун бош қотирарди.

Шомурод хотинини чақирди.

— Лаббай, Шомурод ака, – деди Салима эрининг ёнига келиб.

— Менга қара, Бахтиёр билан кўчага чиқиб чақчақлашиб ўтирганини уялмайсанми? Бола-чақали, оилали аёлсан, ахир, – деди Шомурод.

— Қайси Бахтиёр? – Салима билиб турса-да, талмовсиради. — Ие, анови Бахтиёр аками, қўшнимиз? Дарвоза атрофини супуриб қўяй деб чиқувдим, қаёқдандир келиб қолди. Нимага сўраяпсиз?

— Шунинг учун сўраяпманки, иккалангнинг туришинг одобданмас. У қаёқдандир келиб қолган бўлса, сен уйга кириб кетишинг керак эди.

— Кириб кетдим-ку!

— Мени кўрганингдан кейин кириб кетдинг-да. Мен йўғимда у бизникига тез-тез кириб-чиқиб турибди экан...

Салиманинг юраги "шув" этиб кетди. "Билдимикин?!." У эрига синчковлик билан назар солди. "Йўқ, билмайди. Билса, сўроқ қилиб ўтирмасди..." Энди Салима Бахтиёр акаси билан мутлақо алоқаси йўқлигига ишонтиришга урина бошлади.

— Э, айтгандай, эсимдан чиқибди, – Салима эрининг пинжига суқилиб, мулойимлик билан деди, — бир куни чироғимиз ўчиб қолди, "болаларингиз", — сўзига алоҳида урғу берди, — қўрқиб йиғлай бошлади, ўтган-кетгандан ёрдам сўрай деб кўчага чиқсам, Бахтиёр ака келиб қолди. Пробкаси куйган экан, симини алмаштириб чироқни ёқиб берди. Бор гап шу. Одамлар нима деса, ишонаверасизми? Эркакларга ҳам ҳайронман, қиладиган иш тополмай, хотинлар устидан ғийбат қила бошлашибди-да энди. Мен сизни деганман, сизни ҳеч кимга алмаштирмайман. Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин!

Салима эрини бу гал ҳам ўзининг пок эканлигига ишонтиришнинг уддасидан чиқди.

— Кўзингга қараб юр, агар бирон нарсани билиб қолсам, аяб ўтирмайман. Укдингми?

— Укдим, Шомурод ака, — деди Салима беозорлик билан.

Бир сафар Шомурод Тошкентга бориб, икки кунда қайтди. Ишлари яхши юришгани учун хотинига ҳам, фарзандларига ҳам совға-саломлар олиб келди.

Кечки пайт овқатланиб бўлишгач, кайфияти чоғ Шомурод болаларини олдига олиб гурунглашиб ўтирди. Салима ошхонада идиш-товоқ юваётган эди. Шунда катта қизи:

— Кеча бизникида байрам бўлди. Бахтиёр амаки билан онам магнитофонни қўйишиб, роса ўйинга тушишди, — деб қолди.

Ёстиққа суяниб, яйраб ўтирган Шомурод чаён чаққандек ўрнидан сакраб туриб кетди. Кўз ўнги қоронғулашиб, ҳеч нарсани эшитмай қолди. "Ҳа, манжалақи, қасамхўр, мен сенинг жонингни оламан", дея Шомурод қўлига пичоқ олди. Лекин хайрият шайтонга ҳай берди. Фарзандларини ўйлади. Ёш боланинг гапига ишониб ноўрин иш қилиб қўйишдан қўрқди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди.

Шомурод уйга келиб, хотинини қидириб қолди. Болаларини қўшниларникига чиқарди. Салима ҳеч қаерда йўқ эди.

Шомуроднинг юраги ғаш бўлди.

Тўсатдан девор орасидаги тирқишдан қўшниси Бахтиёрнинг молхонасига кўзи тушди. Шу пайт молхона эшиги очилди-да, ичкаридан Салима чиқиб келди. У атрофга аланглар экан, қўйлагининг у ёқбу ёғини тўғрилади. Сўнг ҳовлини айланиб ўтиб, бошқа томондан ўз уйига қараб юрди.

Шомурод ҳаммасини тушунди. Хаёлига фақат битта фикр, ўлдираман деган фикр келди. Уйга ўқдек учиб кирди-да, пичоқни олиб, ташқарига отилди.

Афсуски, бу пайтда Шомуроднинг ҳуши бошидан учган, у ғазаб ва нафрат, алам ўтида ёниб, даҳшатли махлуққа айланган эди. Уни бу аҳволга солган Салиманинг ўзи биринчи бўлиб шу махлуқнинг қурбони бўлди.

У кўрар кўзни чалғитиш учун айланма йўллар билан уйига келар экан, мабодо эри келиб қолса, қандай баҳона топиш режасини тузар эди. Салима ҳовлига қадам қўйиши билан Шомурод уни сочидан ушлаб, Бахтиёрнинг уйига судради ва қўшнисининг молхонасига олиб кирди. Бу орада Шомурод Бахтиёрга ҳам дуч келди.

Қилмиши фош бўлган Салима:

— Бўлар иш бўлди, нима қилсангиз ихтиёр ўзингизда, — деди.

Шомурод ўйнашиш мана бунақа бўлади, деб Салимага пичоқ ура бошлади. Уни тўхтатмоқчи бўлган Бахтиёр ҳам пичоқ зарбига дуч келди.

Бахтиёр молхонанинг ўзида, Салима эса касалхонада жон берди.

Шомурод дастлабки терговда ҳам, судда ҳам айбига иқрор бўлиб, бор воқеани гапириб берди. Унинг катта қизи онаси Бахтиёр билан бир неча марта уйларидаги хонага кириб, эшикни қулфлаб олганликларини ва анча вақтгача у ердан чиқмаганликларини гапириб берди.

Суд Шомуроднинг қилмишига яраша жазо тайинлади. Бу фожианинг келиб чиқишига шаҳвоний ҳисларини жиловлай олмаган Салима билан Бахтиёр сабабчи. Шомуродни эса...

Киши уни оқлашни ҳам, қоралашни ҳам билмайди.

Бироқ бу воқеа оила инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, умуман айтганда, умрнинг устуни эканини, унга жиндек ҳаром-ҳариш, фаҳш аралашса, кутилмаган фожиалар келиб чиқишини кўрсатади.

**Шоҳруҳ АКБАРОВ**


ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6